







# МАШЪАЛ ХҲЖАЛИК

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ ЧАМАСИ, ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИ ЖИҲАТИДАН БИРИНЧИ ЎРИНДА ТУРСА КЕРАК... ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИНГ НУТҚЛАРИ, УЛАРИНГ ИШЛАРИ, ТАЖРИБАЛАРИ — ҲАЁТНИНГ, КОММУНИЗМ ҚУРИШ ПРАКТИКАСИНИНГ ЧИНАКАМ МАКТАБИДИР. МИЛЛИОН-МИЛЛИОН ИШИЛАРГА ЭНГ ЯХШИ МЕҲНАТ НАМУНАЛАРИНИ ЎРГАТИШ — ОЛҒА ҚАРАБ БОРИШИМИЗНИНГ ЖУДА МУҲИМ ШАРТИДИР.

Н. С. ХРУШЧЕВ.

## ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ, ҚЎШКЎПИР РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОВЕВ НОМЛИ КОЛХОЗ ЎТГАН ЙИЛИ ГЕКТАРИДАН 40,5 ЦЕНТНЕРДАН ПАХТА БЕРДИ БУ ЙИЛГИ МАРРА — 45 ЦЕНТНЕР!

### ЖАНГОВАР ЧАҚИРИҚ

Шу йил 17 февралда Тошкентда бўлиб ўтган республика қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгашида нотиқлар ажойиб фикрларни ўртага ташладилар. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтган йил эришилган муваффақиятларни яқинлаштириш ва юз берган камчиликларни бартараф этиш йўллари йўналиш билан бирга етти йилликни тўртинчи йиллик партия ва ҳукумат томонидан қўйилган улғувор вазифаларни муваффақиятли бажариш режаларини айтишди.

Шу тарихий кенгашда хоразмлик бир йилги минбарга кўтарилди. Бу Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номи колхозининг раиси Собир Оллоберганов эди.

Оллоберганов кенгаш қатнашчиларга мурожаат қилиб, бу йил республикадаги илгор хўжаликлар ўртасида 40-45 центнерлик ҳаракатини кенг аж олдириб юборишни таклиф этди. Бу ҳаракатнинг пахтани кўпайтиришда умумий юксалишга эришишда гўят катта роль ўйнаётганини таъкидлади. У Янгийўл районидаги Хрущев номи колхозини социалистик мусобадага чақирди. Оллобергановнинг ташаббуси кенгашда қизғин маъзуланди. Илгор хўжаликларнинг раҳбарлари шундан сўнг бирин-кетин минбарга чиқиб, бу йил 40-45 центнерлик ҳаракатга қўшилишларини изҳор этдилар ва бир-бирларини социалистик мусобадага чақирдилар.

Ваъда бериш осон, лекин гап унинг уaldasидан чиқишида қолган. Оллоберганов раислик қилётган йилги хўжалик бу йил 45 центнердан ҳосил етиштиришга эъри ишонч билан отланган. Раис бу соҳада республикадаги илгор хўжалик раҳбарларини ўзи билан тенглаштиришга чақирган экан, у нимага асосланган эди?

— Колхозимиз бўйича деди у, — 1100 гектар ерининг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил етиштириш ҳақиқатан ўз-ўзидан бўлмади. Кенгашда берган ваъдан — колхозчиларимизнинг ҳошим ва истаги, уларнинг продасидир.

Раис ўз фикрини яна ҳам чуқурроқ аниқлаштириш учун хўжаликнинг экономикаси, пахтачилик агротехникасини қўлайлаштириш усуллари, таъкилий ишларини олиб боришдаги тартиб ва қоида, Хоразмнинг ўзига хос тажрибалари билан таништириб беришди.

Колхоз ўтган йили планга мувофиқ ҳар гектардан 30,5 центнер пахта топириши керак эди. Плянин 17 октябрдаёқ бажариб, КПСС XXII съезди очилиш арафасида Хоразм областада биринчи бўлиб рапорт беришга муваффақ бўлди. Колхозчилар гектаридан 35 центнердан пахта топириб, 6 ноябрда — Октябрь социалистик революциясининг 44 йиллиги арафасида ўз мажбуриятларини бажардилар. Далада ҳосил япди. Колхоз раҳбарлари барча бригада бошлиқлари ва тажрибадорлар билан маслаҳатлашиб, иккинчи мажбурият олдилар. Бу мажбуриятта мувофиқ колхоз давлатга 40 центнердан пахта топириши керак эди. Иккинчи мажбурият 40,5 центнер қилиб бажарилиб, декабрнинг бошларидаёқ ҳамма майдондаги ҳосил тўла йиғиб-териб олинди ва давлат омборига топирилди.

Бу йилги хўжалик планга нисбатан ҳар гектар ер ҳисобига салкам 10 центнер кўп пахта топириди. Ҳаммадан шунинг намуналики, колхоз плянини 101 процент бажарганда ҳам давлатга биринчи сорт пахта сотди. Бунинг бониси нимада? Айниқса пахтачиликда оғир шароит юз берган 1961 йили бу гигант хўжаликнинг пахтачилигини ҳар тарафлама ривожлантиришда эъри ютуқни кўлга киритишнинг асосий омил нималардан иборат?

### ТАЖРИБА МАКТАБИ, ҲАЁТ МАКТАБИ

Ҳамма жойдагидек, Охунбобоев номи колхоз ҳам то 1950 йилгача кичик хўжаликлардан иборат эди. 1950 йилда кичик хўжаликлар бирилашиб, ҳозирги шу колхоз территориясида 4 та колхоз қолди. 1953 йилда иккитага, 1954 йилда биттага келтирилди. Ана шу даврларда ҳосил жуда паст эди. 1953 йили Охунбобоев номи колхоз 950-гектар ерининг ҳар гектаридан атиги 19,3 центнердан пахта етиштирди олди. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан кейин, хўжалик кескин равишда кўтарила бошлади. Деҳқончилик ишларини кенг равишда механизациялаш туфайли йилдан-йил ҳосил орта борди. Шу билан бирга янги ерлар ўзлаштирилиб, пахта майдони кенгайтирила бошлади.

Партия ва ҳукуматнинг пахтачилик механизациялаш соҳасида эъри гўшқўрлик қилишлари натижасида ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, маҳаллий ўғит билан кўпроқ озиклантиришга катта имконият туғилди. Колхозчилар ана шу имкониятлардан етарли равишда фойдаланиб, деҳқончилик маданиятини кўтара олдилар. Эндиликда Хоразм шароитида ҳосилдорликни кўтариш учун нимаки талаб қилинса, ҳаммаси тўла-тўқис амалга оширилган бўлди.

ОХУНБОБОВЕВ номи колхоз аъзолари ҳаммадан аввал ерни ишлашга катта эътибор берадилар. Пахта майдонини кузда албатта сифатли шудгор қилиб қўйилади. Кўкламда эса шудгор чизилмасдан чигит экилмайди. Чунки, бу ерининг деҳқонлари уруғни экин олдида фақат боронанингни ўзи кифо қилмаслигини, бороналаб экилган ерларда чигит тез иш ўрмаслигини, ёш ниҳол яхши аж олмаслигини синчилаб тажриба қилиб кўрганлар.

Ерлар чизилганишга январь, февраль, бир қисми март ойларида албатта уч марта қондириб сугорилади. Подлар катта-катта қилиб олинди, сув қўйилади. Бунинг учун ерлар яхши текисланган бўлади. Маълумки, Хоразм тузроғида бир бўйра жой ҳам яхши сугорилиб, шўри ювилмаган бўлса, ўша ерда чигитнинг чиқиши даргумон бўлиб қолади. Шунинг эътиборига олиб, экин олдида ерлар бирма-бир текшириб кўрилади. Бу ишда миришкор деҳқонлар қатнашади. Улар «Энди эҳса бўлади» дейишгандан кейин чигит ташлашга киришади. Агар катта картада оғина бўлса, ер тобга келмаган бўлса ҳам, бу картада экинни бошлашга йўл қўйилмайди.

Мўл ҳосил етиштиришга маҳаллий ўғит қанчалик қимматли эканини Охунбобоев номи колхоз пахтакорлари илгир-илгирасига пухта ҳисобга олиб чиққанлар. Пахта ерига шароитин сураштирмай, бир хилда маҳаллий ўғит нормаси белгиланган бўлса, олди бригадалар 45, кети бригада 35 центнердан хирмон кўтарди. Бу, баъзи хўжаликларга қараганда бригадада ўртасидаги ҳосилнинг фарқи унчалик катта эмаслигини кўрсатади. Бунинг сабаби ҳамма бригадада агротехниканинг бир текис қўлланилиши, техникадан самарали фойдаланишидир.

### МОҲИР ТАШКИЛОТЧИЛАР

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти (секретари ўртоқ Сафар Нурдиев) бригада ва звено бошлиқларини ишбилармон кишилардан танлашга катта эътибор беришди. Колхозда ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилишнинг осон бўлишини кўзда тутиб, ҳар бир бригадада бириктирилган ерни 70-100 гектардан оширмаслик лозим топилади. Бу тадбир бригада бошлигининг иш устидан контроллигини яхшилашга, бригада аъзоларининг ҳар бири бажарётган ишнинг сифатини изчилик билан текшириб боришга қўлайлик туғдиради.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бригада бошлиқларига уларнинг фаолияти ва бригаданингни етиштиришга ҳосилига қараб баҳо берадилар ва лозим топиладганда уни алмаштириш чорасини кўрадилар. Бу иш жуда эҳтиётлик билан олиб борилади. Кам ҳосил олган бригаданингни шароити назарга олиб, янги йил ишлаб чиқариш плянини тузган вақтда унга қўшимча ердам бериш тадбирлари белгиланади.

Масалан, ўртоқ Ҳусов бошлиқ бригаданингни олайлик, бу бригада 1959—1960 йиллар мобайнида ҳосилин гектар бошига 29 центнердан оширолмади. Колхоз раҳбарлари кам ҳосилилик сабабини ўргандилар. Бу бригаданингни сугорини тармоқлари тартибга солинмаган, ерининг анчагина қисми яхши ювилмаган экан. Правление мажлисида бригада бошлигининг ўз вазифасида қилиш-қолмаслиги ўртага ташлаш, узоқ муҳокама этилди. Кўпчилик, бригада бошлигининг ана шу камчиликларини тўғатишга яхши эътибор бермаганлиги ва айрим ҳолларда ҳатто масъулиятини ҳис этмаганлигини исботлади. Шундан сўнг бригадир вазифасидан бўша-

тилиб, ўрнига бошқа одам қўйилди. Ўтган йил чигит экин олдида бригаданингни сугорини тармоқлари тўғриланди, ерининг шўри яхшилаб ювилди. Натияжада бригада 1961 йили ҳосилин ҳар гектарига 6 центнер оширди.

— Ҳар йилнинг бошида, — дейди колхоз раиси ўртоқ Оллоберганов, — Даставвал бригада бошлиқларини чақириб, янги йилнинг янги вазифалари устида гаплашиб оламиз. «Бу йил гап шундай, ундайла оласанми», деган масалани ўртага ташлаيمиз. Оғина ҳардам-ҳабелик қилган кишиларга ҳам ишонмаймиз. Бунинг бригадирлар яхши билишади. Шу сабабли ўша маслаҳат вақтида берган сўзларининг устидан чиқиб учун астойдил ишлайдилар, мўл ҳосил етиштиришда дуч келган ҳар қандай қийинчиликни енгишга ҳаракат қилдилар.

Юқори ҳосил етиштиришдан ҳар бир пахтакорнинг, ҳар бир механизаторнинг моддий манфаатдорлигини кўчатириш учун барча тадбирлар изчилик билан амалга оширилади. Юқори ҳосил етиштиришга бригада ва звеноларга қўшимча ҳақ тўлаш тартибига қаттиқ риоя қилинади. Бу хўжаликда алаҳқачон меҳнат кунидан иш кунига ўтилган. Бутун йил давомида колхозчиларнинг иш кунига сметада кўрсатилган даромаднинг 60 проценти миқдорда аванс бериб борилади.

Пахта ҳосилининг кўтарилиши ва чорвачилик маҳсулотларининг кўпайтирилиши натижасида хўжаликнинг даромади ва колхозчиларнинг иш кунига оладиган ҳақлари тўхтовсиз ошиб бормоқда. 1960 йили колхознинг умумий даромади 12 миллион 800 минг сўм (ёки пул ҳисобида) бўлиб, ҳар иш кунига 14 сўм 60 тиындан бериладан бўлса, 1961 йилда умумий даромад 1 миллион 600 минг сўмга (янги пул билан) етиб, ҳар иш кунига 1 сўм 80 тиындан пул бериламоқда.

Даромаднинг кўпайиши ва пахта таннархининг арзонлашишида янгиликка томон эъри бериб натижани катта раъд ўйнамоқда. Колхоз ўтган йили ҳосилин 75 процетини қоп-қанориз ташиди. Бундан хўжалик 9 минг сўм фойда олди. Иш кунини тежаш, сифат кўрсаткичлари ҳисобига ўз-за парварини, сугорини ва шу каби ишларнинг салмоғини қамайтириш натижасида бир йил ичида ҳар бир центнер пахтанингни таннархи 3 сўм қамайтирилди.

### КЕНГАШДАН КЕИН...

Колхоз раиси ўртоқ Оллоберганов республика қишлоқ хўжалик ходимларининг Тошкент кенгашидан қайтиб боргач, активларини йиғиб, бу йил 45 центнердан пахта ҳосили етиштириш тўғрисида колхозчилар номидан кенгашга ваъда бериб келганлигини айтди. Колхозчилар 45 центнер бажарса бўладиган, реал ваъда эканлигини тасдиқладилар. Бригада бошлиқларининг ҳар қайсисидан алоҳида-алоҳида фикрлар олинди. Катта мажбуриятга қанчалик ҳисса қўша-жаклари сўралди. 45 центнер бригадаларга расаман билан тақсимланди. Ўста пахтакор Матқуб Юсупов бошлиқ бригада ўтган йили юз гектар ерининг ҳар гектаридан 45 центнердан, Ота Омонов бошлиқ бригада 70 гектар ерининг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил берган эканлар. Улар бу йил камда 50 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олдилар. Ўртоқ Юсупов бошлиқ бригада хўжаликда комплекс механизациялашган ағона бригада ҳисобланади. Унинг ўтган йилларидаги жуда катта ютуқлари бошқа бригадаларга намуна бўларлиқдир. Шунинг учун бу йил ана бир неча бригада комплекс механизациялашга кўчириладиган бўлди.

ЎТГАН йил атиги 520 тонна пахта машинада терилганлигини колхозчилар ўз ишларидан катта нусхон деб билимоқдалар. Шунинг учун бу йил машина теримини камда икки баравар ошириш кўзда тутиламоқда.

Шу кунларда колхоз далазларида кўклам нафаси кезиб юрибди. Қиш бўйи ариқ-зовур қазиб, далага маҳаллий ўғит чиқариш, ерининг шўрини ювиш билан машғул бўлган пахтакорлар партияимиз Марказий Комитетининг март пленуми шарафига бошланган мусобадаги қизғин, экин олди ишларини ҳар тарафлама кучайтириб юбордилар. Уларнинг гайратига-гайрат қўшаётган нарсаси 45 центнер ҳосилга шу кунларда мустақкам замин тайёрлашга бўлган янги қизиқ, машғул Хоразм областада машғул хўжалик номига яраша 1962 йилда янада мўл ҳосил етиштириш каби олижаноб истакдир.

КПСС XXII съезди қарорларидан, давримизнинг манифести — партия Программасидан бениҳоя руҳланган Охунбобоев номи колхоз аъзолари эл бахти-саодати йўлида, Ватанимизнинг «оқ олтин» бойлигини кўпайтириш мақсадида улғу вазифаларга отланган экан, бу шарафли вазифани албатта унда-лайдилар, мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришдек улғу ишга, халқимизни кийим-кечак билан, сапоғимизни қимматбаҳо хомаш билан таъминлаш ишига узакан ҳиссаларини қўшадилар.

Х. НУЪМОНОВ.

«Қизил Ўзбекистон», 22 февраль.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» 3-БЕТ, 24 ФЕВРАЛЬ, 1962 ЙИЛ.



Колхоз раиси Собир ОЛЛОБЕРГАНОВ.

Ерларни маҳаллий ўғит билан бойитиш юзасидан белгиланган планин бажариш учун изчилик билан курашилади. Фермадаги 2000 қўй, 7000 қорамол, юзлаб от ва бошқа ҳайвонларнинг гўнгни пешма-пеш ташиб далага чиқарилиб, махсус ўраларда чиритилади. Хонадонлардаги маҳаллий ўғитлардан ҳам фойдаланилади. Бу иш билан махсус кишилар шуғулланади.

Ерлар қишда ва экин олдида қондириб сугорилиб, шўри яхшилаб ювилганлиги, маҳаллий ўғитга тўйдирилганлиги сабабли тузроғидаги нам узоқ вақт сақланади. Бу эса ўзини даврида сув камчил бўлса ҳам, ғўзаларнинг нормал ривожланишини таъминлайди. Колхоз ўтган йили асосан уч сув билан, айрим жойлардагина тўртинчи сув билан ҳосил етиштирди.

ЕРЛАРИНИНГ юқори сифатли ишланиши ва карталар яхши текисланганлиги орқасида чигит ҳамма ерда бир текис ундириб олинди. Ғўзалар 5 марта узунасига, 4 марта кўнда-лангига трактор билан култивация қилинди. Ғўза 15 июл-



ОХУНБОБОВЕВ НОМИ КОЛХОЗДА ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИНИНГ ГЕКТАР ҲИСОБИГА ОШИШИ.

